



ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИНИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПСИХОДИАГНОСТИК МЕТОДИКАЛАР ТАСНИФИ

Турсунов Азизжон Олимжон ўғли

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ички ишлар тизимида фаолият олиб бораётган ходимларни психологик хусусиятларини аниқлашга қаратилган психодиагностик методикалар келтирилган. Ички ишлар таркибидаги ходимларнинг фаолиятини баҳолашда қўлланиладиган методикалар ёритилган. Келтириб ўтилган психологик муаммоларни ечимлари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: психология, психодиагностика, методика, ходимлар, психологик муаммо, фаолият.

Ички ишлар тизимида номзодларни танлашда шахсга хос психологик хусусиятларни инобатга олиш катта аҳамиятга эга. Улар хизмат вазифаларининг муваффақиятли амалга ошишига, уни ташкил қилишга, касбий тайёргарликнинг юқори даражада бўлишига муҳим таъсир кўрсатади.

Ходимларнинг баъзилари ўз ишларида юксак ахлоқий хислатлари билан муваффақиятга осонлик билан эришсалар, баъзилар юқори даражадаги интеллектуал қобилияtlари билан ҳам муваффақият қозонишлари қийин кечади. Демак, инсоннинг индивид сифатидаги биологик хусусиятлари, яъни ёши, жинси, онг хусусиятлари билан ўз эҳтиёжларининг қандай шароитда (инсонлар орасидаги муҳит таъсирида) амалга ошириши унинг касб маҳоратини эгаллашида муҳим ўрин тутади. Ходим касбий жиҳатдан ҳар тарафлама муваффақиятга эришиши учун, аввало ўзида касбга оид хусусиятиларга эга бўлиши зарур.

Психологик хусусиятлар ходимнинг касбий муҳим объектив хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда унинг касбий лаёқат даражасини (яъни муайян касбни амалга оширишга мувофиқлик кўрсаткичини) белгилаши лозим. Ходимнинг касбий лаёқат даражаси (шахсга ва касбга хос хусусиятлар нисбатида) қўйидагича ифодаланиши зарур:

- 1) Ички ишлар тизимининг ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқсан ҳолда талабга жавоб берадиган ва аҳамият касб этадиган кўрсаткичларни инобатга олиш;
- 2) юқори ва ўрта даражадаги касбий лаёқатга эга ходимларни аниқлаш ва уларни фарқлаш;
- 3) аниқланган барча кўрсаткичларни биргалиқда таҳлил қилиб номзоднинг келажакдаги хизмат фаолиятининг истиқболини белгилаш;



4) номзоднинг шахсга ва касбга хос хусусиятларининг кўрсаткичи асосида тавсия этилаётган фаолият хусусиятларини инобатга олиб, касбий лаёқат даражаси ҳақида хулоса бериш.

Тизим фаолиятига номзодларни танлаш, фаолиятга тавсия этиш учун фойдаланилаётган методикаларни ўрганиш уларнинг муваффақият даражаси қўйидагича эканлигини кўрсатди:

- шахс хусусиятларини ўрганишга қаратилган методикалар – 34%;
- ақлий салоҳиятини ўрганишга қаратилган методикалар – 31%;
- шахс қадриятлари ҳамда мотивларини ўрганишга қаратилган методикалар – 20%;
- руҳий-асаб барқарорлиги, касбий йўналганлик хусусиятларини ўрганиш методикалари – 15%.

Тизимда психодиагностика тадбирлари учун фойдаланиладиган методикаларни танлашда уларни қалбакилаштиришнинг (симуляция) олдини олиш жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, шахс муайян фаолиятга киришиш иштиёқи кучлилигидан ўз хатти-ҳаракатларини белгиланган талабларга мувофиқлаштирган ҳолда ўзини кучли назорат қилишда ифодаланадиган жавобларни тақдим этиши мумкин.

Ташхис методикаларини айнан шундай хато ва камчиликлардан холи қилиш мақсадида А.А.Анастази томонидан ишлаб чиқилган психодиагностика методикаларини танлаш принципига амал қилиш керак:

- диагностик методиканинг қўлланиш доираси, предмети, мақсади аниқ кўрсатилган бўлиши;
- диагностик методиканинг ишончлилик даражаси, мувофиқлиги (муайян соҳада қўллашга монелик қилмайдиган жиҳатлари) ҳақида статистик маълумотларнинг мавжудлиги;
- алгоритм шаклидаги мутахассис (эксперт-психолог) учун йўриқноманинг мавжудлиги;
- респондент учун аниқ ва тушунарли йўриқнома тузилганлиги;
- натижаларни қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш учун маҳсус «калит»нинг тақдим этилиши;
- саволларга ҳаққоний жавоб берилганлигини тасдиқловчи назорат саволларининг борлиги;
- натижаларни таҳлил қилишда фойдаланиладиган хулосаларнинг ягона қолипда ифодаланиши.

Психодиагностика шахснинг икки хил қўринишдаги хусусиятларини аниқлашга қаратилади. Методикалар ҳам шунга мувофиқ танланди:

Биринчи йўналишдаги методикалардан шахсга хос хусусиятларни аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Шахс хусусиятларини ўрганишда биз юқори даражада дифференциаллашган ва шахс хусусиятларини иложи борича аниқ билиш, унинг ижтимоий муносабатларга киришиш жараёнини яхлит



таҳлил қилиш хусусиятига эга бўлган Р.Кэттелнинг 16 PFL тест методикасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи йўналишдаги методикалар шахснинг касбга хос хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Булар қаторида «Шахснинг ижтимоий-психологик установкалари» (О.Ф.Потемкина), шахс қадриятларининг йўналганлигини аниқлаш тести (ЦОЛ) ҳамда «Характер акцентуацияси» тест методикаси (К.Леонгард)дан фойдаланилди .

Методикадаги савол ва мулоҳазаларнинг тест мазмунига мутаносиблиги, оммавий қўллашга монелик қиласидаги жиҳатлари курсантлардан анкета ҳамда сўровларга жавоб олиш орқали таҳлил қилинди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1)** Анастази А., Сьюзан У. Психологическое тестирование. 7-е изд. СПБ.: Питер, 2006. – 688 с.
- 2)** Арифходжаева И.Х. ИИИ ходимлари фаолияти психологияси: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир С.К.Тангирбердиев; ЎзР ИИВ Академияси. – Т.: Ўқитувчи, 2008. – 432 б
- 3)** Столяренко А.М. Психологическая подготовка личного состава ОВД. – М.: Академия МВД РФ, 1998. – 780 с.
- 4)** Платонов К.К. Необходимые уточнения (о методических проблемах профессионального отбора в профессиональной ориентации) // Социалистический труд. – М, 1980, – №10, – 96-102 с.